

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СУҒОРИЛАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ СУВ
ТАНҚИСЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ.****М.Қучқорова***ФарДУ ўқитувчиси*

Фарғона водийси суғориладиган худудлари Республикамизнинг бошқа худудларига нисбатан сув билан яхши тиъминланишига қарамай кейинги йилларда содир бўлаётган сув танқислиги муаммолари тобора жиддийлашиб бормоқда.

Глобал иқлим ўзгариш шароитида аслида дарёларнинг сув режимида ҳам салбий ўзгаришлар рўй беради. Айрим сув манбаларида унинг заҳиралари камайиб боради. Лекин бугунги кундаги сув танқислиги муаммосининг келиб чиқишида суғориладиган майдонларнинг кенгайиб бориши эмас, балки, асосий дарёлар сувининг сув омборларига қўшни давлатлар худудида йиғиб олинishi хисобланади.

Собиқ иттифоқ даврида Қирғизистон республикасининг Норин дарёси оқиб ўтадиган тектоник ёриқ устига қурилган тўхтагул сув омбори аслида Фарғона водисидagi қишлоқ хўжалиги майдонларини сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилган эди.

1990 йиллардан бошлаб сув таъминотининг йирик марказлашган тизими издан чиқди. Қазоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида вегетация даврида сув таъминотини қишқи мавсум учун энергетика манбалари (асосан газ) га алмаштириш (бартер) ишлари ҳам тўхтаб қолди натижада Норин дарёсида қурилган Тўхтагул сув омбори ҳам суғориш билан ирригация режимидан энергетика режимига ўтказилди. 1989 йилдан бошлаб Тўхтагул сув омбориларининг ўртача кўп йиллик миқдори совуқ мавсумда 2,7 дан 8км 3 га ортди. Вегетация даврида эса 9 дан 6 3км га тушуб қолди. Бундай режим йилнинг совуқ ойларида оқимнинг яъни норин дарёсига тушаётган миқдорини ортиқча бўлишлигига, ёз ойлари, яъни вегетация даврида сувнинг камайиб кетиши ҳолатини юзага келтиради. Фарғона водисидagi қишлоқ хўжалик экинлари эса сувга бўлган эҳтиёжи даражасидagi сув миқдорини олиш имкониятини йўқотдилар.

Собиқ иттифоқ даврида Фарғона водиси ҳам пахта етиштирадиган асосий регионлардан бири хисобланар эди. 1990 йиллардан бошлаб водийда қишлоқ хўжалиги экинларининг структураси тубдан ўзгарди. Айниқса айниқса озиқ - овқат маҳсулоти таъминоти учун донли экинлар майдонини кенгайтириш амалга оширилди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан пахта республикамизнинг асосий стратегик экини мавқеини сақлаб қолди. Бу эса суғоришга олинаётган сувнинг катта миқдорини пахта экинлари учун сарфлаш заруратини юзага келтирди. Пахта мавсумлари учун ўртача сувга булган талаб 5000 м 3 гектар бўлгани ҳолда, баъзи йиллари сув таъминотида кескин ўзгаришлар юзага келди. Иккинчи томондан сизот сувлари ер юзасига яқин худудларда шўрланиш ва батқоқланиш жараёнлари давом этди.

Фарғона водисидa суғориш режими 1960-70 йилларда амалга оширилган гидромодул районлаштириш бўйича амалга оширилмоқда, лекин ўтган 40-50 йил

ичида суғориладиган ерларнинг мелиратив ҳолати ўзгариб кетди. Ҳозирги даврга келиб эса олдинги суғориш режими ҳам ўзгарди. Айрим ҳудудларда илгари тавсия қилинган сув тақсимотига кўра суғориш нормаси 1- 1,5 мартабагача ортиб кетди. Сув танқислиги шароитида суғориш тармоқларининг эскириб қолиши, коллектор-дренаж тизимларининг қониқарсиз ишлаши ҳисобига юзага келмоқда.

Олинган эксперт маълумотларга кўра суғориш учун хизмат қиладиган каналларда сувнинг 50 % миқдори исроф бўлар экан. Бундай ҳолатда вегетация даврида сувнинг етишмаслиги қишлоқ хўжалигида жиддий муаммоларни юзага келтиради.

Бу муаммоларни ўрганишда Москва давлат университетининг олимлари А.Д.Никанорова ва Н.М.Дронинлар (2013) тегишли тадқиқотларни олиб бориб унинг айрим жиҳатларини ўрганиб чиқдилар. Тадқиқотчилар, томонидан Аретис праграммаси негизида интерфейс праграммасининг компьютер модели ишлаб чиқилди. Бунга асосан Arc-Cis праграммаси бўйича Фарғона водийсининг аэрофотосъемкалари дешифрировка қилинди .

Дешифрировка маълумотлари ва уларни дастурлаш асосида Фарғона водийси ҳудудидаги суғориладиган ерлар, аҳоли пунктлари жойлашган селитеб ҳудудлар ва суғорилмайдиган ҳудудларни шунинг билан бирга Фарғона водийсидаги суғориш тизимлари тасвирланган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики суғориш тизимларини такомиллаштириш, суғориш нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолатда Фарғона водийсида суғоришга олинладиган сув миқдорини 36 % гача тежаш имконияти мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда суғориш учун йилига 10,1 км 3 сув ўрнига 6,7 км 3 сувни сарфлаш мумкин бўлади. Йиллик сув танқислиги кўрсаткичи эса 13% дан 6 %га камаяди.

Фарғона водисидида сув танқислиги шароитида суғоришнинг меъёрларини белгилаш тупроқ мелиратив ҳолатини мукамал ўрганишни тақозо этади.

Юқорида қайд этилган тадқиқотчилар Фарғона водийсида сув таъминотини яхшилашни қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини ўзгартириш билан боғлиқ бир қанча сценарийларни тавсия этадилар (жадвал).

Фарғона водийсидаги суғориладиган ерларнинг сув таъминоти кўрсаткичлари (А.Д.Никанорова ва Н.М.Дронин бўйича 2013 й).

Фарғона водиси	А сценарий		Б сценарий		В сценарий		Г сценарий		Д сценарий	
	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2

Ўзбекистон қисми	97,30	2,70	96,28	3,72	98,83	1,17	97,30	2,70	98,60	1,40
Қирғизистон қисми	92,42	7,58	92,42	7,58	100,0	0,00	92,42	7,58	96,04	3,96
Тожикистон қисми	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77

ВИЛОЯТЛАР:

Наманган	91,28	7,72	91,12	8,88	96,04	3,96	92,28	7,72	95,71	4,29
Андижон	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00
Фарғона	98,94	1,06	97,4	2,79	100,0	0,00	98,94	1,06	99,67	0,33
Жалолобод	80,58	19,42	80,58	19,42	100,0	0,00	80,52	19,42	89,87	10,13
Ўш	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00	100,0	0,00
Сўх	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77	73,23	26,77

Жадвалда келтирилган биринчи 2 сценарийда 2000(А) ва 1980 (Б) экинлар структураси олинган ва сувга бўлган талаб мос равишда 4506 ва 4836 м³ га бўлган. В сценарийда эса сув сарфини максимал ҳолатга (1200 м³ га) тушириш кўзда тутилган. Г, Д сценарийсида сув кўп талаб қилувчи экинлар майдонини камайтириш, Д сценарийда эса донли экинлар майдонини камайтириш кўзда тутилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинлари структурасида пахта ва донли экинлар майдонини камайтириш иқтисодиётимизга ва аҳоли дон маҳсулотларига бўлган талабига салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги майдонларини сув таъминотини яхшилаш, сувдан тежаб терган фойдаланишни ташкил этиш биринчи навбатда ерларни тупроқ мелиоратив ҳолатига қараб суғориш нормаларини белгилишга қаратилган бўлмоғи керак.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

А.Д.Неконорова, Н.М.Дронин. Оценка водного дефицита на орошаемых землях в Ферганской долине в связи с изменением режима работы Токтогульского водохранилища, Вестник Москва Университета. Сер. 5. География. 2013 № 4 стр76-81.